

**“Oqtosh don” aksiyadorlik jamiyati**  
**акциядорларнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилиши**  
**№1-сонли Б А Ё Н Н О М А С И**

**Йиғилиш ўтказилган жой:** Самарқанд шаҳри, Нарпай тумани, Ж.Мирзаев кўчаси, 2-уй.

**Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти:** 2020 йил 31 март, соат 14<sup>00</sup>.

**Йиғилиш тури:** Навбатдаги йиллик.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кузатув кенгашининг 2020 йил 09 мартдаги мажлиси қарорига асосан чақирилган.

**Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:**

- “BIZNES Daily Биржа” иқтисодий газетасининг 2020 йил 10 мартдаги №27(2654)-сонида тегишли ахборот эълон қилинган;
- Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ([www.openinfo.csm.track.uz](http://www.openinfo.csm.track.uz)) ва жамият ([www.oqtoshdon.uz](http://www.oqtoshdon.uz)) веб-сайтларида тегишли ахборот ошкор этилган.

**Йиғилишга қатнашганлар:**

1. “Ўздонмахсулот” АК вакили А.С.Салихов, 815 566 дона овоз берувчи акциялар билан (2020 йил 17 мартдаги № 39-сонли ишончнома);
2. Жисмоний шахс бўлган акциядорлар 3 киши 366 323 дона овоз билан.

**Таклиф этилганлар:**

1. Ш.Узаков – кузатув кенгаши аъзоси;
2. Н.Жумаев – кузатув кенгаши раиси;
3. Б.Хасанов – кузатув кенгаши аъзоси;
4. Т.Х.Худойбердиев – бошқаруви раиси;
5. У.Б.Ортиқов – бош ҳисобчи;
6. Н.Султонов – ташқи аудитор.

Йиғилишни жамият кузатув кенгаши аъзоси А.Салихов олиб борди ва йиғилишда қуйидаги тартибда овоз беришни таклиф қилди:

- йиғилиш ишчи органи (Президиум ва котиби) ва регламентини тасдиқлаш - очик овоз бериш йўли билан;
- йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар бўйича - ёпиқ овоз бериш йўли билан (овоз бериш бюллетенлари орқали).

Таклиф овозга қўйилди.

Таклиф очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси Р.Тўраев умумий йиғилишни қонун доирасида олиб бориш учун умумий йиғилиш Президиуми, раиси ва котибини сайлаш учун номзодларни кўрсатишни таклиф этди.

Жамият акциядори Б.Сатторов сўзга чиқиб, қуйидаги номзодларни умумий йиғилиш президиумига, раислигига ва котиблигига сайлашни таклиф қилди.

- йиғилиш Президиуми:
  1. А.Салихов -, “Ўздонмахсулот” АК вакили
  2. Р.Тўраев - жамият кузатув кенгаши аъзоси;
  3. Т.Х.Худойбердиев - жамият бошқарув раиси;
- йиғилиш раиси – А.С.Салихов.
- йиғилиш котиби – А.А.Сайфуллаев

Очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан қуйидагилар сайланди:  
**Йиғилиш Президиуми** – А.Салихов, Р.Тўраев, Т.Х.Худойбердиев.  
**Йиғилиш раиси** - А.С.Салихов, **йиғилиш котиби** - А.А.Сайфуллаев.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси А.Салихов акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси А.Салихов акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида овозларни санаб чиқиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун камида уч кишидан иборат санок комиссиясини сайлаш учун номзодларни кўрсатишни таклиф этди.

Жамият персонал ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи С.Қиличов сўзга чиқиб, санок комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни таклиф қилди:

У.Адизов – қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи;

М.Ахмедова - жамият ҳисобчиси;

Ш.Қахҳоров –компьютер тизимлари бўйича техник.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди ва очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан сайланди.

Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига қатнашиш учун рўйхатдан ўтган акциядорларни жамлаш натижалари ва йиғилиш кворумини аниқлаш учун йиғилиш раиси А.Салихов сўзни санок комиссияси раиси У.Адизовга берди.

Санок комиссияси раиси У.Адизов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига асосан агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлишини эслатиб ўтди. Шунга асосан йиғилишда жами 1 181 889 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 4 та акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтганлигини ва йиғилиш кворуми 83,63 фоизни ташкил қилганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси А.Салихов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгаши томонидан тайёрланган ва “BIZNES Daily Биржа” иқтисодий газетасининг 2020 йил 10 мартдаги №27(2654)-сонида эълон қилинган йиғилиш кун тартибини ўқиб эшиттирди.

### **К У Н Т А Р Т И Б И:**

- 1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи президумини сайлаш;*
- 2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;*
- 3. Санок комиссияси аъзоларини сайлаш;*
- 4. Жамият кузатув кенгашининг 2019 молиявий йил яқунлари бўйича ҳисоботи, кузатув кенгашининг 2019 йил давомидаги барча қарорлари ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;*
- 5. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2019 молиявий йил яқунлари бўйича*

ҳисоботи ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;

6. Жамият тафтиш комиссиясининг 2019 молиявий йил яқунлари бўйича тегишли ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш;

7. Жамиятнинг 2019 йил молиявий йил яқунлари бўйича ташиқи аудиторлик ташиқлотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш;

8. Жамиятнинг 2019 молиявий йил яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарларини тасдиқлаш;

9. Жамият устав фондидаги акцияларга ҳисобланадиган дивиденд миқдорини белгилаш;

10. Жамиятнинг 2020 йил учун йиллик “Бизнес-режа”си, даромадлар ҳамда харажатлар сметасини тасдиқлаш;

11. Жамият 2020 йил фаолияти учун кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш;

12. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш;

13. Жамиятнинг 2020 йил учун ижроия органи раҳбари бошқарув раиси ва унинг аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилишни тасдиқлаш;

14. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш ва уларнинг аъзоларини сайлаш;

15. Жамиятда 2020 йил якуни бўйича аудиторлик тегиширувини ўтказиш учун аудитор хизматини кўрсатувчи ташиқлотлар таклифини кўриб чиқиш ҳамда уларга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш;

16. Депозитарий “Самарқанд вақт” МЧЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш;

17. Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш, “Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомда киритилган Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи сўзини, базавий ҳисоблаш сўзига ўзгартириш;

18. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг 2019 молиявий йил яқунлари бўйича ҳисоботини эшитиш;

19. Корхоналарда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташиқи аудит хулосасини кўриб чиқиш;

20. Жамият балансида улуши бўлган нон, макарон, қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналардан ташиқари, барча турдаги корхоналар ҳамда бўш турган бино ва иншоотларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотиш.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси А.Салихов сўзга чиқиб, акциядорларни йиғилиш регламенти билан таништирди.

**Йиғилиш Регламенти:**

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи президумини сайлаш **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 5 дақиқа.**

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 5 дақиқа.**

3. Санок комиссияси аъзоларини сайлаш **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 5 дақиқа.**

4. Жамият кузатув кенгашининг 2019 молиявий йил яқунлари бўйича ҳисоботи, кузатув кенгашининг 2019 йил давомидаги барча қарорлари ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 10 дақиқа.**

5. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2019 молиявий йил яқунлари бўйича ҳисоботи ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш **(Маърузачи: Жамият бошқарув раиси) 5 дақиқа.**

6. Жамият тафтиш комиссиясининг 2019 молиявий йил яқунлари бўйича текшириш ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш **(Маърузачи: Жамият тафтиш комиссияси раиси) 5 дақиқа.**

7. Жамиятнинг 2019 йил молиявий йил яқунлари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш **(Маърузачи: Аудиторлик ташкилоти аудитори) 10 дақиқа.**

8. Жамиятнинг 2019 молиявий йил яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарларини тасдиқлаш **(Маърузачи: Жамият бош ҳисобчиси) 10 дақиқа.**

9. Жамият устав фондидаги акцияларга ҳисобланадиган дивиденд миқдорини белгилаш **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 5 дақиқа.**

10. Жамиятнинг 2020 йил учун йиллик “Бизнес-режа”си, даромадлар ҳамда ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш **(Маърузачи: У.Ортиқов) 10 дақиқа.**

11. Жамият 2020 йил фаолияти учун кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 10 дақиқа.**

12. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 5 дақиқа.**

13. Жамиятнинг 2020 йил учун ижроия органи раҳбари бошқарув раиси ва унинг аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилишни тасдиқлаш **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 10 дақиқа.**

14. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш ва уларнинг аъзоларини сайлаш **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 5 дақиқа.**

15. Жамиятда 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудитор хизматини кўрсатувчи ташкилотлар таклифини кўриб чиқиш ҳамда уларга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 10 дақиқа.**

16. Депозитарий “Самарқанд вақт” МЧЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш **(Маърузачи: акциядорлар билан корпоратив алоқалар ўрнатиш бўлими мутахассиси А.Сайфуллаев) 10 дақиқа.**

17. Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш, “Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий

рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомда киритилган Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи сўзини, базавий ҳисоблаш сўзига ўзгартириш *(Маърузачи: Йигилиш раиси) 10 дақиқа.*

**18.** Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг 2019 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш *(Маърузачи: Йигилиш раиси) 10 дақиқа.*

**19.** Корхоналарда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш *(Маърузачи: Йигилиш раиси) 10 дақиқа.*

**20.** Жамият балансида улуши бўлган нон, макарон, қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналардан ташқари, барча турдаги корхоналар ҳамда бўш турган бино ва иншоотларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотиш *(Маърузачи: Йигилиш раиси) 10 дақиқа.*

\*Мунозаралар учун - 5 дақиқа;

\*Маълумотлар ва саволларга жавоб бериш учун - 5 дақиқа;

\*Овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа.

Йиғилишни 3 соат давомида, яъни соат 17<sup>00</sup> да якунлаш таклиф қилинди.

Йиғилиш регламенти очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

**1. Кун тартибидаги биринчи масала** *(Жамият кузатув кенгашининг 2019 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботи, кузатув кенгашининг 2019 йил давомидаги барча қарорлари ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш)* бўйича йиғилиш раиси А.Салихов сўзга чиқиб, кенгашнинг 2019 йил якунлари бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

Кузатув кенгашининг йил давомида бўлиб ўтган йиғилишлари билан қисқача таништирди. Кузатув кенгаши раиси 2019 молия-хўжалик йилида ўтказилган йиғилишлар ва кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалалар тўғрисида қабул қилинган қарорлар юзасидан акциядорларни хабардор қилди.

Маъруза юзасидан саволлар ва қўшимчалар бўлмади, жамият кузатув кенгаши раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботи қониқарли деб маъқулланди ва акциядорларга овоз бериш учун мурожаат қилинди *(Жамият кузатув кенгаши ҳисоботи илова қилинади).*

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз, Қарши - 0, Бетараф - 0.**

**2. Кун тартибидаги иккинчи масала** *(Жамият ижроия органи раҳбарининг 2019 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботи ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш)* бўйича жамият Бошқарув раиси Т.Худойбердиев жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисобот берди *(жамият Бошқарув раиси ҳисоботи илова қилинади).*

Ҳисобот юзасидан саволлар бўлмади. Йиғилиш раиси 2019 йил якуни бўйича жамият Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлашини таклиф қилди:

Ушбу таклифлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши - 0, Бетараф - 0.**

**3. Кун тартибидаги учинчи масала** (*Жамият тафтиш комиссиясининг 2019 молиявий йил якунлари бўйича текшириш ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш*) бўйича Ж.Худойбердиев сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига 2019 йил якуни бўйича жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини ўтказилган текшириш натижаси бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

Жумладан, “Оқтошдон” АЖ 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини жамият тафтиш комиссияси томонидан текшириш ўтказилганлигини, жамиятда бухгалтерия ҳисобини юритилиши, белгиланган тартиб бўйича ҳисоботлар тузилганлигини, ҳисоботлар тегишли давлат органларига ва юқори ташкилотга ўз вақтида тақдим қилиб борилганлигини, солиқ ва мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоботлар ва солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоботлар ва Давлат статистика органларига тегишли ҳисоботлар ўз вақтида тузилиб, топширилиб борилганлигини, жамият активларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши, юритилиши амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ келишини, жамиятда 2019 йилда корпоратив бошқариш амалдаги қонунларга асосан олиб борилганлигини, йил давомида бошқарув органи йиғилишлари вақти-вақти билан ўтказиб турилганлигини ва уларда жамият ишини ташкил қилиш ва юритиш бўйича муҳим бўлган қарорлар қабул қилинганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси сўзга чиқиб, ушбу хулосани тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши - 0, Бетараф - 0.**

**4. Кун тартибидаги тўртинчи масала** (*Жамиятнинг 2019 йил молиявий йил якунлари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш*) бўйича Н.Султонов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига “Оқтошдон” акциядорлик жамиятининг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини “Javlon Audit Servis” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказилганлигини маълум қилди ва жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижаси юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан таништирди (*хулоса илова қилинади*).

Аудиторлик текшируви натижаси бўйича 2020 йил 16 мартда аудиторлик хулосаси берилган бўлиб, жамиятнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттириши ва амалга оширилган молиявий хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келиши кўрсатилган.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси А.Салихов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 молиявий йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг текшириш ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши - 0, Бетараф - 0.**

**5. Кун тартибидаги бешинчи масала** (*Жамиятнинг 2019 молиявий йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарларини тасдиқлаш*) бўйича жамият бош ҳисобчиси У.Ортиқов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини жамиятнинг 2019 молия-ҳўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисоб varaғи билан таништирди (*ҳисобот илова қилинади*).

Ҳисобот юзасидан саволлар бўлмади. Йиғилиш раиси 2019 молия-ҳўжалик фаолияти якуни бўйича жамият бош ҳисобчисини ҳисоботини тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши - 0, Бетараф - 0.**

**6. Кун тартибидаги олтинчи масала** (*Жамият устав фондидаги акцияларга ҳисобланадиган дивиденд миқдорини белгилаш*) бўйича йиғилиш раиси сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган 7940732,0 минг сумлик соф фойдани қуйидагича тақсимлаш таклифини киритди, яъни;

- 70,0 фоизи (5558512400) сўм, корхонани ривожлантиришга;
- 30,0 фоизи (2382219600) сўмни дивиденд тўловларига (*бунда ҳар бир дона акция учун 1679,23 сўм*).

Жисмоний шахс бўлган акциядорларга - нақд пул ва пластик карточкаларига пул ўтказиш йўли билан дивиденд тўлаш;

Юридик шахс бўлган акциядорларга - банк орқали пул кўчириш йўли билан дивиденд тўлаш.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши - 0, Бетараф - 0.**

**7. Кун тартибидаги еттинчи масала** (*Жамиятнинг 2020 йил учун йиллик “Бизнес-режа”си, даромадлар ҳамда ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш*) бўйича Б.Ортиқов жамиятнинг 2020 йил учун йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан даромадлар ҳамда ҳаражатлар сметасини тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши - 0, Бетараф - 0.**

**8. Кун тартибидаги саккизинчи масала** (*Жамият 2020 йил фаолияти учун кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш*) бўйича йиғилиш раиси А.Салихов сўзга чиқиб, «Ўздонмахсулот» АКнинг 2020 йил 28 январдаги №6-сонли буйруғи ва жамият акциядорларининг ариза-таклифлари билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига асосан

акциядорлар томонидан жамият кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар кўрсатилган.

Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар рўйхати		Қисқа маълумот
1	Салихов Ахмед Собитович	“Ўздонмахсулот” АК МЭ ва СБ бош мутахассиси
2	Узаков Шухрат Аъламович	“Ўздонмахсулот” АК бошқарув раиси биринчи ўринбосари в.б
3	Хасанов Баходир Рамзиддинович	“Ўздонмахсулот” АК АТБ бошлиги в.б.
4	Жумаев Нодир Жахонович	“Ўздонмахсулот” АК И ва ЯТЖЕБ бош мутахассиси
5	Тўраев Рахмонкул Юлдошевич	“Шохрухмирзо” МЧЖ рахбари
6	Хасанов Сардор Тўра ўгли	“Нарнай элита дон” МЧЖ тахлилчиси
7	Худойбердиева Шахноза Тўра қизи	“Нарнай элита дон” МЧЖ тахлилчиси
8	Тайилов Бахтиёр Астанович	“Ўздонмахсулот” АК М ва БХ бошқармаси бош иқтисодчи

Жамият Уставига мувофиқ жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 кишидан иборатлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан кузатув кенгаши аъзолигига берилган 8 нафар номзодларни кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш учун номзодлар рўйхатига киритилди.

Ушбу номзодларни жамият кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш учун кумулятив тарзда овоз беришини сўради.

Шунингдек, йиғилиш раиси А.Салихов акциядорларга кумулятив овоз бериш тартибини батафсил тушунтириб берди.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар рўйхати		Овоз натижалари
1	Салихов Ахмед Собитович	1 181 889
2	Узаков Шухрат Аъламович	1 181 889
3	Хасанов Баходир Рамзиддинович	1 181 889
4	Жумаев Нодир Жахонович	1 181 889
5	Тўраев Рахмонкул Юлдошевич	1 181 889
6	Хасанов Сардор Тўра ўгли	1 181 889
7	Худойбердиева Шахноза Тўра қизи	1 181 889
8	Тайилов Бахтиёр Астанович	0

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши - 0, Бетараф - 0.**

**9. Кун тартибдаги тўққизинчи масала (Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш)** бўйича йиғилиш раиси А.Салихов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддасига асосан акциядорлар томонидан жамият тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар кўрсатилган;

Номзодлар рўйхати		Қисқа маълумот
1	Қумиров Икром Болтаевич	Тадбиркор

2	<i>Хасанова Гавҳар Тўра қизи.</i>	<i>ТДИУ 3-босқич талабаси.</i>
3	<i>Худойбердиев Жавохир Тўра ўғли.</i>	<i>ТКТИ 4-босқич талабаси.</i>
4	<i>Хасанова Орзигул Назиржон қизи.</i>	<i>“Нарнай элита дон” МЧЖ таҳлилчиси.</i>

Ушбу номзодларни жамият тафтиш комиссияси аъзолигига сайлаш учун овоз беришини сўради.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Номзодлар рўйхати		Овоз натижалари		
		Тарафдор	Қарши	Бетараф
1	Қумиров Икром Болтаевич	0	1 181 889	0
2	Хасанова Гавҳар Тўра қизи.	1 181 889	0	0
3	Худойбердиев Жавохир Тўра ўғли.	1 181 889	0	0
4	Хасанова Орзигул Назиржон қизи.	1 181 889	0	0

**10. Кун тартибдаги ўнинчи масала** (*Жамиятнинг 2020 йил учун ижроия органи раҳбари бошқарув раиси ва унинг аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилишни тасдиқлаш*) бўйича йиғилиш раиси А.Салихов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларига ва жамият уставига мувофиқ акциядорлик жамияти ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши белгиланганлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича жамиятнинг расмий веб-сайти ([www.oqtoshdon.uz](http://www.oqtoshdon.uz)) ва корпоратив ахборот ягона портали ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz))да ҳамда “BIZNES Daily Биржа” иқтисодий газетасининг 2020 йил 10 мартдаги №27(2654)-сонида жамият Бошқарув раиси лавозимига танлов эълон қилинганлигини, аммо, ташаббускорлар томонидан эълонда белгиланган муддатда номзодлар тўғрисидаги маълумотлар жамиятга тақдим этмаганликларини билдирди. (“BIZNES Daily Биржа” иқтисодий газетасининг 2020 йил 10 мартдаги №27(2654)-сонидан нусха илова қилинади).

Шундан келиб чиқиб, жамият Бошқарув раиси лавозимига жамиятнинг амалдаги Бошқарув раиси Т.Худойбердиевни сайлаш таклифини билдирди.

Жамият ижроия органи раҳбари ва унинг аъзоларини ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида моддий рағбатлантириш таклифини киритди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши - 0, Бетараф - 0.**

**11. Кун тартибдаги ўн биринчи масала** (*Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш ва уларнинг аъзоларини сайлаш*) бўйича йиғилиш раиси А.Салихов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддасига асосан акциядорлар томонидан миноритар акциядорлар кўмитаси аъзоларига қуйидаги номзодлар кўрсатилган;

Номзодлар рўйхати		Қисқа маълумот
1	Қувондиқов Қахрамон	Жамият акциядори
2	Сатторов Бахтиёр	Жамият акциядори
3	Енина Ирина	Жамият акциядори
4	Хидиров Хасан	Жамият акциядори
5	Бобомуродов Завқиддин	Жамият акциядори
6	Бозоров Тухтасин	Жамият акциядори

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан миноритар акциядорлар кўмитаси аъзолигига берилган 6 нафар номзодларни миноритар акциядорлар кўмитаси аъзолигига сайлаш учун номзодлар рўйхатига киритилди.

Ушбу номзодларни жамият миноритар акциядорлар кўмитаси аъзолигига сайлаш учун овоз беришини сўради.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Номзодлар рўйхати		Овоз натижалари		
		Тарафдор	Қарши	Бетараф
1	Қувондиқов Қахрамон	0	1 181 889	0
2	Сатторов Бахтиёр	1 181 889	0	0
3	Енина Ирина	1 181 889	0	0
4	Хидиров Хасан	1 181 889	0	0
5	Бобомуродов Завқиддин	0	1 181 889	0
6	Бозоров Тухтасин	0	1 181 889	0

**12. Кун тартибдаги ўн иккинчи масала** (Жамиятда 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудитор хизматини кўрсатувчи ташкилотлар таклифини кўриб чиқиш ҳамда уларга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш) бўйича йиғилиш раиси А.Салихов сўзга чиқиб, қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан тижорат таклифлари тушганлигини ва улардан бирини жамиятда 2020 йил учун аудиторлик текширувини ўтказиш учун танлаш лозимлигини таъкидлади:

Ташкилот номи		Унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори
1	“Javlon audit serves” МЧЖ	хизмат ҳақи 20 000 000 сўм
2	“ABS Finans Audit” МЧЖ	хизмат ҳақи 20 000 000 сўм

Ушбу танлов овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ташкилот номи		Овоз натижалари		
		Тарафдор	Қарши	Бетараф
1	“Javlon audit serves” МЧЖ	1 181 889	0	0
2	“ABS Finans Audit” МЧЖ	0	1 181 889	0

**13. Кун тартибдаги ўн учинчи масала** (Депозитарий “Самарқанд вақт” МЧЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосасини эшитиш ва

тасдиқлаш) юзасидан акциядорлар билан корпоратив алоқалар ўрнатиш бўлими мутахассиси А.Сайфуллаев нутқ сўзлаб, Депозитарий “Самарқанд вақт” МЧЖ томонидан жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишлари олиб борилганлигини ва ташкилот томонидан 06.03.2020 йилдаги №64-01-1-сонли “Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулоса” тақдим этилганлигини ҳамда ушбу хулосага асосан “Оқтош дон” АЖ корпоратив бошқарув тизими 493балл (фоизли шкаласи- 41%)га баҳоланганлигини таъкидлади.

Йиғилиш раиси корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосасини тасдиқлаш таклифини киритди (*хулоса илова қилинади*).

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши – 0, Бетараф – 0.**

**14. Кун тартибдаги ўн тўртинчи масала** (*Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш, “Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомда киритилган Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи сўзини, базавий ҳисоблаш сўзига ўзгартириш*) бўйича йиғилиш раиси жамият акциядорларининг 2019 йил 29 мартда ўтказилган умумий йиғилишида **“Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида”**ги Низом тасдиқланганлиги ва ундан доимий амалиётда фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳамда ушбу Низомга асосан кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳар ойда рағбатлантирилиб борилиши ва йил якуни билан қўшимча рағбатлантириши тартиби белгилаб қўйилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек «Ўздонмахсулот» АКнинг 2020 йил 26 февралдаги №17-4/24-366-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги 5723-сонли фармонида мувофиқ **Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида** Низомда киритилган Ўзбекистон Республикасида белгиланган “энг кам ойлик иш ҳақи” сўзини, “базавий ҳисоблаш” сўзига ўзгартириш тавсия қилинганлигини билдирди.

Йиғилиш раиси жамият акциядорларининг 2019 йил 29 мартда ўтказилган умумий йиғилишида **“Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида”**ги Низом тасдиқланганлиги ва ундан доимий амалиётда фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳамда ушбу Низомга асосан кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳар ойда рағбатлантирилиб борилиши ва йил якуни билан қўшимча рағбатлантириши тартиби белгилаб қўйилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек «Ўздонмахсулот» АКнинг 2020 йил 26 февралдаги №17-4/24-366-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги 5723-сонли фармонида мувофиқ **Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида** Низомда киритилган Ўзбекистон Республикасида белгиланган “энг кам ойлик иш ҳақи” сўзини, “базавий ҳисоблаш” сўзига ўзгартириш тавсия қилинганлигини билдирди.

Жамият Кузатув кенгаши раиси ва аъзолари ҳамда тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларини ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида моддий рағбатлантириш ва Низомда белгиланган “энг кам ойлик иш ҳақи” сўзини, “базавий ҳисоблаш” сўзига ўзгартириш таклифи киритилди.

Юқорида қайд қилинган таклифни тасдиқлаш йиғилиш қатнашчилари розилиги билан овозга қўйилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши –0, Бетараф - 0.**

**15. Кун тартибидаги ўн бешинчи масала** (*Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг 2019 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш*) бўйича жамият Бошқарув раисининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директори 2019 молиявий йил якунлари бўйича ҳисобот берди (*ҳисобот илова қилинади*).

Ҳисобот юзасидан саволлар бўлмади. Йиғилиш раиси 2019 йил якуни бўйича жамият Бошқарув раисининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директори 2019 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлашни таклиф қилди:

Ушбу таклифлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши - 0, Бетараф - 0.**

**16. Кун тартибидаги ўн олтинчи масала** (*Корхоналарда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш*) юзасидан Н.Султонов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига “Октошдон” акциядорлик жамиятида харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан таништирди. (*хулоса илова қилинади*)

Шундан сўнг, йиғилиш раиси А.Салихов сўзга чиқиб, жамиятнинг харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши - 0, Бетараф - 0.**

**17. Кун тартибидаги ўн еттинчи масала** (*Жамият балансида улуши бўлган нон, макарон, қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналардан ташқари, барча турдаги корхоналар ҳамда бўш турган бино ва иншоотларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотиш*) бўйича “Октош дон” АЖ бошқаруви раиси Т.Худойбердиев сўзга чиқиб, жамият акциядорларининг 2019-йил 15-февралдаги кузатув кенгаши мажлиси қарорига асосан “Business Invest Consult” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти томонидан қонунда белгиланган тартибда

баҳоланган ҳамда “Fayz Finans Servis” ХК баҳоловчи ташкилоти томонидан экспертизадан ўтказилган жамият тизимидаги филиалининг балансида бўлган самарадорлиги паст, талабга жавоб бермайдиган, фаолияти тугатилган молхона кимовди савдоси йўли орқали қонунда белгиланган тартибда сотиш белгиланганлигини, шунга кўра, кўчмас мулк объекти “Biznes Daily” Биржа ва “Зарафшон” газеталарида эълон қилинган ҳолда “Everest standart” МЧЖ томонидан 2020-йилнинг 28-январ, 10-феврал, 24-феврал ва 09-март кунлари очик аукцион савдолари ўтказилганлигини маълум қилди.

Шунингдек, очик аукцион савдоларида сотилмай қолган кўчмас мулк объектининг нархи юқори бўлганлиги сабабли, уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 6-октябрдаги 279-сонли “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган “Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисида”ги Низомининг VIII-бўлими, 77-моддаси талабларидан келиб чиқиб, кўчмас мулк объектларини танловга (аукционга) қўйиш дастлабки нархидан 10 фоиздан босқичма-босқич пасайтириш механизмини қўллашни таклиф қилди.

Йиғилиш раиси жамият балансида бўш турган бино ва иншоотларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотилишини таъминлаш таклифини киритди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор – 1 181 889 та овоз , Қарши - 0, Бетараф - 0.**

Навбатдаги ўтказилган умумий йиғилиш кун тартибига киритилган ҳолда кўриб чиқилган 17 та масала бўйича жамият саноқ ҳайъати аъзолари томонидан овоз бериш бюллетенлари асосида тузилган баённомасида қайд қилинган овоз бериш натижаларига кўра акциядорлар умумий йиғилиши

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Жамият кузатув кенгашининг 2019 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботи, кузатув кенгашининг 2019 йил давомидаги барча қарорлари ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2019 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботи ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

3. Жамият тафтиш комиссиясининг 2019 молиявий йил якунлари бўйича текшириш ҳисоботи ва хулосаси тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг 2019 йил молиявий йил якунлари бўйича “Javlon Audit Servis” МЧЖ ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2019 молиявий йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарлари тасдиқлансин.

6. жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган 7940732,0 минг сумлик соф фойда қуйидагича тақсимлансин, яъни;

- 70,0 фоизини (5558512400) сўм, корхонани ривожлантиришга;

- 30,0 фоизини (2382219600) сўм, дивиденд тўловларига (бунда ҳар бир дона акция учун 1679,23 сўм).

Жисмоний шахс бўлган акциядорларга - нақд пул ва пластик карточкаларига пул ўтказиш йўли билан дивиденд тўлансин.

Юридик шахс бўлган акциядорларга - банк орқали пул кўчириш йўли билан дивиденд тўлансин.

Дивидендларни тўлашни бошлаш санаси 10.04.2020 йил ва тугаш санаси 30.05.2020 йил этиб белгилансин.

7. Жамиятнинг 2020 йил учун йиллик “Бизнес-режа”си, даромадлар ҳамда ҳаражатлар сметаси тасдиқлансин.

8. Жамият 2020 йил фаолияти учун кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:

Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар рўйхати		Овоз натижалари
1	Салихов Ахмед Собитович	1 181 889
2	Узаков Шухрат Аъламович	1 181 889
3	Хасанов Баходир Рамзиддинович	1 181 889
4	Жумаев Нодир Жахонович	1 181 889
5	Тўраев Рахмонқул Юлдошевич	1 181 889
6	Хасанов Сардор Тўра ўғли	1 181 889
7	Худойбердиева Шахноза Тўра қизи	1 181 889

9. Жамият 2020 йил фаолияти учун тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:

Номзодлар рўйхати		Қисқа маълумот
1	Хасанова Гавҳар Тўра қизи.	ТДИУ 3-босқич талабаси.
2	Худойбердиев Жавохир Тўра ўғли.	ТКТИ 4-босқич талабаси.
3	Хасанова Орзигул Назиржон қизи.	“Нарпай элита дон” МЧЖ таҳлилчиси.

10. Жамият бошқарув раиси лавозимига Худойбердиев Тўра Хасанович тайинлансин ва бир йил муддатга меҳнат шартномаси тузилсин.

10.1 Жамият бошқаруви органи ва аъзолари ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида моддий рағбатлантирилсин.

11. Жамият 2020 йил фаолияти учун миноритар акциядорлар қўмитаси таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:

Номзодлар рўйхати		Қисқа маълумот
1	Сатторов Бахтиёр	Жамият акциядори
2	Енина Ирина	Жамият акциядори
3	Хидиров Хасан	Жамият акциядори

12. Жамиятда 2020 йил учун аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича “Javlon audit serves” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан белгиланган тартибда шартнома тузилсин ва унинг хизматиغا тўланадиган ҳақнинг миқдори – 20 000,0 минг сўм этиб белгилансин.

13. Депозитарий “Самарқанд вақт” МЧЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосаси тасдиқлансин.

14. Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантириш, жамиятнинг “Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Низоми асосида олиб борилсин ва Низомда киритилган Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи сўзини базавий ҳисоблаш сўзига ўзгартириш таклифи тасдиқлансин.

**15.** Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг 2019 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

**16.** Корхоналарда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосаси тасдиқлансин.

**17.** Жамият балансида бўш турган бино ва иншоотларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотилиши таъминлансин.

Ушбу қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш вазифаси жамият бошқарув раиси зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси А.Салихов акциядорларнинг навбатдаги йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар батафсил кўриб чиқилганлигини маълум қилди ва умумий йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома 2020 йил “09” апрелда икки нусхада тузилди ва имзоланди.

**Йиғилиш раиси:**

**А.Салихов**

**Йиғилиш котиби:**

**А.Сайфуллаев**